

EDUCATIONAL PROCESS PRIMARY CLASS STUDENTS CREATIVE ACTIVITY

Sharofutdinov Iqboljon Usmonjon o'g'li

Teacher of Ferghana State University

Abstract:

The development of the creative activity of primary school students was interpreted as a dynamic system consisting of many components.

Keywords: learning-cognitive activity, technology, creative activity, didactic-methodical, creative student, literacy.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури ПҚ-2133-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ПҚ-4947-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли.

Мустақиллик йилларида республикада чуқур билимга эга бўлган, ҳар томонлама етук, теран фикрловчи, баркамол авлодни вояга етказиш борасида ҳалқ таълим соҳасига оид туб ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари излаш, янги ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш бу ислохотларнинг дикқат марказида турибди. Асосий мақсад – бошланғич синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш қуниумасини ўргатиш, уларни ижодкорликка жалб этишдан иборат. Чунки, бугунги кунда ишбевуви ҳам мустақил фикрлайдиган, олган билимларини муаммоларни ҳал этишда бемалолқўллай оладиган, танқидий мулоҳаза юритишга қодир бўлган, тил заҳираси бой, саводли ходимни ишга олишдан манфаатдор.

Жаҳон халқаро илмий марказларида ўқувчиларининг ижодкорлик, ижодий-яратувчанлик, техник фикрлашга ва лойиҳалашга тайёрлашда педагогик механизмлари, тадқиқотчилик фаолияти ва кўникмалари шаклланиш хусусиятлари, умумилмий билимлар тизимини шакллантириш

технологиялари, ўқув-тадқиқотчилик фаолиятининг ўсиш имкониятларига оид илмий тадқиқот изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур методик ишланмалар тадқиқот йўналишлари ва вазифаларини танлашда замонавий ва инновацион ёндашувлар, бошланғич синф ўқувчиларнинг ностандарт фикрлаш ва мақбул қарор қабул қилиш, доимий равишда янги ғоя, технологияларни излаш, топиш ва амалиётга татбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилиш имкониятларини кенгайтирмоқда .

Айтиш мумкинки, таълим жараёнида ўқувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Англия (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university), АҚШ (Princeton university), АҚШ (Association for Educational Communications and Technology – AECT), Германия (Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn), Жанубий Корея (Seoul National University, Puchong University, Yonsei University, Sungkyunkwan University, Pohang University of Science and Technology, Pusan National University, Chonbuk National University), Россия (Таълим академияси), Франция (University of Strasbourg), Япония (Мияги педагогика университети)да олиб борилмоқда [54].

Маълумки сўнгги йилларда таълимни ислоҳ қилишга, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштиришга, қолаверса, халқ таълими тизимига ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишга жиддий эътибор қарата бошлади. Бу борадаги ислохотлар 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 8 августдаги [16]. “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент Қарорларида ўз аксини топган. Эътибор берадиган бўлсак, мазкур қарорларда узлуксиз таълим тизимининг деярли барча турлари қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин. Қолаверса, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам таълим соҳасини тубдан такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган мазкур меъёрий ҳужжатларнинг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-

қувватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки ҳозирги кунда хорижий тажрибалар бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятни ривожлантиришда ўқув-билиш фаолиятига қуйидаги талабларни қўйган:

- бошланғич синф ўқувчиларида таълим мазмунини жамият тараққиёти даражасига қараб мунтазам шакллантириб ва такомиллаштириб бориш ва шунга мос ўқув-билиш фаолиятнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад-вазифаларини интеграциялаш;
- бошланғич синф ўқувчиларида ўқув-билиш фаолиятни дарсда ҳам, дарсдан ташқари вақтларда ҳам уйғун ҳолда олиб бориш;
- бошланғич синф ўқувчиларида ўқув-билиш фаолиятида уларга маънавий, ақлий, ҳиссий, меҳнат, ахборотли таълим беришни доимо эътиборга олиш. Шу орқали бошланғич синф ўқувчиларида ҳаётий муаммоларига янада кўпроқ эътибор қаратиш, инновацион янги ғояларини қўллаб-қувватлаш, ўсиб келаётган авлодимизнинг ижтимоий-хаёт шарт-шароитларини яхшилаш ва келадак ҳаёт йўлларида ҳам барча даражадаги давлат идораларининг энг асосий, ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолади;

Маълумки, бошланғич таълимнинг технология фани ўқув дастури бошланғич синф ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандарти талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Қолаверса, Давлат таълим стандартида бошланғич таълимда технология фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари ҳамда бошланғич синф ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенция элементларига тегишли талаблар ҳам келтирилади.

**1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фаолиятни
ривожлантиришда технология фанига ижодий ёндашиш
технологиясини тузилмаси**

Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фаолиятни ривожлантиришда Технология фанини “технология” мавзусини ўрганишда ижодий ёндашиш технологияси	
Технология фанига қўйилган талаблар:	Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фаолиятларини ривожлантиришда технология фанининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, ўзлаштириш ва ижодий билим ва кўникмалар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш.
Билимга талаблар:	Бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятга йўналтириш уларни тасаввурларини кенгайтириш, турли хил амалий топшириқлар ва машқлар орқали умумийлик ва алоқадорликлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.
Кўникмага талаблар:	Бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятга йўналтириш бирор буюм ясаш ёки расмлар чизишда ўзига хос ижодий хусусиятлардан фойдаланишни ўргатиш.

Малакага талаблар:	Бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятга йўналтиришда амалий топшириқлар ёки расмлар чизишда ўзига хос тасаввур хусусиятларидан фойдаланишни ўргатиш.
Мавзунинг ўрганишга оид бош ва асосий мақсадлар:	
Бош мақсад:	Бошланғич синф ўқувчиларига янги инновацион ДТС талаблари асосида ижодий фаолиятга йўналтирувчи амалий топшириқ ва амалий машқларни тайёрлашни ўргатиш.
Таълимий:	Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини ривожлантиришда расмлар чизиш, рангли қоғозлардан буюмлар ясашни кўрсатиб бериш ва йўналтириш.
Тарбиявий:	Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатсеварлик ва тартиб-интизомлилик руҳида тарбиялаш.
Ривожлантирувчи:	Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий ва амалий кўникма ва малакаларини ўстириш.
Ўқув жараёнига оид компетенция:	
1-таълим компетенция:	Тасаввурларни, фантазия ва ижодкорлик компетенцияларни кенгайтириши; ўз фикрини аниқ ифода қилиши; муатқил қарор қабул қилиши.
2-таълим компетенция:	Ижодий машқларни бажариш орқали ижтимоий ҳаётдаги вазиятларга нисбатан ўзининг ижобий муносабатини билдира олиши.
1-фанга оид компетенция:	Технология фанига қизиқиши, тасаввури, фантазия, ижод кўникмалари шаклланиши бўлиши, амалий ва ижодий топшириқларни мустақил бажара олиши.
Ахборотли компетенция:	Мавзуга оид маълумотларни излаб топиши ва англаб етиши, маълумотларни муҳимлигига қараб босқичма -босқич ундан фойдалана олиши.
Дарс тури:	Янги маълумотлар бериш.
Дарс методи:	Савол-жавоб, Мен ижодкорман, Беш бурчак.
Дарс жиҳози:	Мавзуга оид кўргазма ва тарқатма материаллар ҳамда амалий тест саволлари.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини ривожлантириш технология тузилмаси кўплаб компонентлардан ташкил топган динамик тизими сифатида талқин қилинди. Ушбу тизим бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаолияти жараёнида ижодий фаолиятга ривожланиб, қайта ташкилланиб боради. Ҳар бир компоненти уларнинг ўзаро алоқадорлигини очиқ беришга хизмат қилувчи ўзининг мазмунига эга. Қолаверса, мазкур тузилма бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятга ривожлантиришга ижодий муҳит ва психологик-педагогик ҳамкорлик катта таъсир кўрсатишини ҳам кўрсатиб беради.

Кузатишлар жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятини ривожлантиришда нафақат ўқитиш мазмунига балки дидактик ва педагогик

шарт–шароитлар (дидактик мақсадларга эришиш учун ўқитиш мазмуни, шакли, методини, шунингдек, ташкилий шакллари мақсадга йўналтирилган ҳолда танлаш) ҳар бир бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятига йўналтириш янги билимлар билан замонавий равишда бойитиб бориш, уларни бошланғич синф ўқувчиларини мақсадли ва самарали етказишни тақозо этувчи интерфаол жараён самарали қўллаш тушунилади. Бу борада, яъни ижодий фаолият бўйича таълим беришда моделлаштириш методларидан фойдаланиш ижобий педагогик самара беради.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Iqboljon, S. (2022). BOSHLANG'ICH SINIF O'QUV JARAYONIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(20), 137-140.
2. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. (2021). Development and education of preschool children. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*, 11(2), 326-329.
3. Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. DOI: 10.5958/2249-7137.2021. 00358. X "Development and education of preschool children" *ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal*. (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal). ISSN, 2249-7137.
4. Oljayevna, O., & Shavkatovna, S. (2020). The Development of Logical Thinking of Primary School Students in Mathematics. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(2), 235-239.
5. Shavkatovna, S. R. N. (2021). METHODOICAL SUPPORT OF DEVELOPMENT OF CREATIVE ACTIVITY OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *Conferencea*, 74-76.
6. Shavkatovna, S. R. (2021). DEVELOPING CRITICAL THINKING IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. *Conferencea*, 97-102.
7. Shavkatovna, S. R. (2021). Methodological Support for The Development of Primary School Students' Creative Activities. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 2, 121-123.
8. Shavkatovna, S. R. (2021). Improvement of methodological pedagogical skills of developing creative activity of primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 289-292.
9. Iqboljon, S. (2022). KOMPYUTER YORDAMIDA DARSLARNI TASHKIL ETISH. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(9), 246-249.
10. Valijonovna, K. I., Rakhmatjonovich, T. D., & Mukhtoralievna, Z. S. (2022). Informational Technology at Education. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 262-266.

11. Qizi, S. G. G., & Teshaboyevna, D. D. Methods Of Formation Of Independent Reading Skills In Primary School Pupils. *JournalNX*, 21-24.
12. Kizi, S. G. G. (2021). Formation Of Independent Reading Skills in Primary School Students. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 2, 222-224.
13. Akmaljonovna, A. Z. (2021). Methods of formation of independent reading skills in primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1425-1428.
14. Ruzmatovich, U. S. (2022). CHANGES EXPECTED TO COME IN OUR LIFE MOVEMENTS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(3), 485-489.
15. Рuzматович, США (2022). ПРОЦЕССЫ ОРГАНИЗАЦИИ ТЕХНИЧЕСКОЙ, ТАКТИЧЕСКОЙ И ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ В ТРЕНИРОВКАХ ПО НАЦИОНАЛЬНОЙ БОРЬБЕ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ В ОБЛАСТИ КОММЕРЦИИ, ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ, ИНЖЕНЕРНЫХ И СОЦИАЛЬНЫХ НАУК* ISSN: 2349-7793 Импакт-фактор: 6.876, 16(3), 65-68.
16. Мўйдинов, А. (2021). ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ТАХДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 2(2), 132-137.
17. Мирзaboeв, Й. А. (2022). ТУР ЎЗГАРИШ ЧИЗИҚЛАРИ УЧТА БЎЛГАН, ГИПЕРБОЛИК ҚИСМЛАРИНИНГ ҲАММАСИ ХАРАКТЕРИСТИК УЧБУРЧАКЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛГАН БЕШБУРЧАКЛИ СОҲАДА УЧИНЧИ ТАРТИБЛИ КЎРИНИШДАГИ ПАРАБОЛИК-ГИПЕРБОЛИК ТЕНГЛАМА УЧУН БИТТА ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛА ҲАҚИДА. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, 1(5), 363-366.
18. Inomzoda, A. A. (2021). "Improving The Teaching Of" Education" On the Basis of Multimedia Technologies"(On the Example of Primary Classes). *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 2, 88-90.
19. Qizi, S. Z. M. (2021). Pedagogical Mechanisms Of The Formation Of The Social Outlook Of Future Teachers In The Context Of The Informatization Of Education. *The American Journal of Applied sciences*, 3(04), 203-207.
20. Abdujabborovna, K. S. (2021). Pedagogical Conditions Of Professional Direction Of Pupils Of The Orphanage. *European Journal Of Innovation In Nonformal Education*, 1(2), 158-160.
21. Muhammadkadirovna, G. D., Abdulhamitovna, S. H., & Qizi, R. D. T. (2022). The Role of Innovative Training Methods in Individualization Training. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 272-279.

-
22. Niezova, M., & Rustamova, D. (2020). Ona tili darslarida oquvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatuvchi interaktiv va noan'anaviy metodlari. *Молодой ученый*, (4), 480-481.
23. Toyirovna, R. D. (2021). Critical Thinking Process in School Children. *International Journal of Culture and Modernity*, 11, 165-168.
24. Muhammadkadirovna, G. D., Abdulhamitovna, S. H., & Qizi, R. D. T. (2022). The Role of Innovative Training Methods in Individualization Training. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 272-279.